

5.5. “Буюртмачи”нинг махсулот сифатига бўлган эътирози “Бажарувчи” томонидан инobatта олинган тақдирда “Бажарувчи” камчиликларни оқилона муддатда бартараф этади ёки махсулот нархини мутаносиб равишда камайтиради.

VI. Томонларнинг мажбурияти

6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақлиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “DAVLAT BELGISI” ДУК ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилиши кафолат беради.

VII. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Агар тайёрлаб берилган махсулот сифати, ассортиментни бўйича техник шартлар, намуналарга, шартномада келтирилган шартларга мос келмаса, “Буюртмачи” махсулотни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, тайёрлаб берувчидан сифати, ассортиментни лозим даражада бўлмаган махсулот қийматининг 5 фоизи миқдоридан жазима ундириб олишга, агар махсулот хақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.2. Агар “Буюртмачи” буюртмани “Бажарувчи”га топширганидан кейин уни давом эттиришни хохламаса, у ҳолда олдиндан тўланган ҳақнинг маълум қисми яъни, “Бажарувчи” бажарган ишлар қийматининг тўлаш ва у кўрган зарарни қоплаш учун ушлаб қолинади.

7.3. «Буюртмачи» тайёр махсулотни кўрсатилган муддатда олиб кетмаса, ўтказиб юборилган кунга «Бажарувчи»га оморда сақланганликдан келиб чиққан зарар учун махсулот қийматининг 5 (беш) фоизи миқдоридан жазима тўлайди.

7.4. Ўтказиб берилган махсулот ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи”, “Бажарувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир календарь кунини учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

7.5. Бошқа ҳолатларда тарафлар (“Буюртмачи”, “Бажарувчи”) мажбуриятларини лозим даражада ёки умуман бажармаганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг тегишли нормалари, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун ҳамда амалдаги қонунчилик асосида жавобгардирлар.

VIII. Форс-мажор

8.1. Томонлар хошиш иродасидан ташқари юзага келадиган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар ва х.к.) ҳолатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун бир-бирлари олдида жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу ҳолатларни мавжудлигини ишончли исботи ҳисобланади.

8.2. Шартноманинг 8.1 бандида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда шартларни бажармаётган тараф мазкур ҳолат юзасидан ва ушбу ҳолат шартларни бажаришга таъсир этаётганлиги ҳақида хабар бериш керак.

8.3. Шартноманинг 8.1. бандида назарда тутилган энгилмас кучлар ҳолати охириги уч ой давомида давом этса “Бажарувчи” ёки “Буюртмачи” томонидан иккинчи тарафга билдиришнома юбориш билан мазкур шартномани бекор қилиниши мумкин.

8.4. Форс-мажор ҳолатига асосан мажбуриятни бажариш тўхтаб қолганда “Бажарувчи” ёки “Буюртмачи” келтирилган зарарни қоплашни талаб қила олмайдилар.

IX. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган низоли масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

9.2. Келишувга эришилмаган тақдирда томонлар низоларни ҳал этиш учун қонунчиликка мувофиқ иктисодий судига мурожаат этадилар.

X. Яқуний қоидалар

10.1. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига кўра ёки улардан бири томонидан шартнома шартларини бошқа томон жиддий бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

10.2. Тарафларнинг юридик манзиллари, телефон, факслари, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда улар икки кун муддат ичида бир-бирларига бу ҳақида маълумот беришга мажбурдирлар.

10.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

10.4. Мазкур шартнома томонлар имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кундан кучга қиради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амалда бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Бажарувчи»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг

“DAVLAT BELGISI” ДУК

Почта индекси: 100053

Манзили: Тошкент шаҳар,

Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160 «А»

ҳисоб рақами: 21596000305108789001

МФО: 00014

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

ИНН: 306612737

ҚҚС коди: 326030048929

ОКЭД: 18120

Тел./факс: 71-209-02-73, 234-46-01, 234-06-31.

«Буюртмачи»

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокими

махкамасининг ишлар бошқармаси

Почта индекси: 100066

Манзили: Тошкент шаҳар, Ислон Каримов кўчаси, 51-уй.

ҳисоб-китоб varaғи:


МФО: _____

ИНН: _____

ОКЭД: _____

ҚҚС коди: _____

Тел./факс: _____



«Буюртмачи»

номидан раҳбар:

«Бажарувчи»
номидан раҳбар:

